# ХАБАР

خبر

*Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри*

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 24 январь № 4 (232) ● Сотувда нархи эркин


## ТЕКШИРИШЛАР САМАРАЛИ БЎЛЯПТИМИ?

Вилоятимиз электралоқа корхоналарида режа асосида халқ хўжалиги ва аҳолига кўрсатилаётган электралоқа хизмати сифатини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларни ҳар ойда тўлиқ текшириб бориш йўлга қўйилган. Текширувдан мақсад—жойларда раҳбар ходимларнинг лоқайдлиги туфайли ҳал этилмаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, рўй-рост кўрсатиш ва бу борада амалий ёрдам беришдан иборатдир. Лекин минг афсуски, баъзи раҳбарлар текширувлардан тегишли хулоса чиқармайдилар. Ана шу бефарқлик оқибатида қайта текшириш ўтказилганда дастлабки текширув далолатномаларида кўрсатиб ўтилган хато ва камчиликлар такроран қайд этилмоқда. Тўғри, баъзи техник камчиликлар бартараф этилишига корхона бошқарув аппарати етакчи мутахассислари томонидан ёрдам кўрсатилиши зарур. Бу борада корхона бош муҳандиси О. Қосимов, бош энергетик Ш. Аҳмаджонов, электралоқа ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Э. И. Черепов ва шу бўлим етакчи мутахассислари амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Лекин электралоқа боғламаларининг раҳбарлари камчиликлар, муаммолар тўғрисида корхона бошқарувига ўз вақтида хабар бермайдилар.

1996 йил мобайнида вилоятимизнинг 7 та электралоқа боғламаларида корхона бошқарув аппарати томонидан комплекс текширувлар ўтказилди. Бу текширув натижалари бўйича Боғдод ва Қўқон электралоқа боғламаларида халқ хўжалиги ва аҳолига кўрсатилаётган алоқа хизмати сифатини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар қониқарли эканлиги, қолган 5 та таркибий бўлинмаларда эса етарли эмаслиги аниқланди. Бу таркибий бўлинмаларда электралоқа хизматининг талаб даражасида эмаслигига асосий сабаб — малакали техник ходимларнинг етишмаслигидир.

Текширув далолатномаларида кўрсатилган хато ва камчиликларга асосан жойларда тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Корхона маъмурияти томонидан ушбу текширув далолатномалари чуқур ўрганиб чиқилиб, корхона кенгашларида атрофлича муҳокама қилинди. Хато ва камчиликларнинг келиб чиқишига йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан интизомий чоралар кўрилди.

Ҳар бир таркибий бўлинма раҳбарлари масъулиятни чуқур ҳис этиб, тегишли хулоса чиқариб олишлари учун ўтган йил мобайнида 3 та электралоқа боғламаларида барча таркибий бирлик раҳбарлари иштирокида корхонанинг кўчма кенгашлари ўтказилди. Кўчма кенгашлар иштирокчилари Риштон, Яйпан ва Олтиариқ электралоқа боғламаларида электралоқа хизмати сифатини яхшилаш йўлида олиб борилаётган ишлар, АТС бинолари ва ишчи-ходимларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, кенгашда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ушбу туманларда қўлланган янгиликларни ўзларида жорий этишни режалаштириб олдилар.

Бу йил ҳам корхонанинг 11 та таркибий бўлинмаларида комплекс текширувлар ўтказиш режалаштирилган.

***Фарида УМАРОВА,***
***жамоатчи мухбиримиз,***
***Фарғона вилояти***

## «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» КОНЦЕРНИ КЕНГАШИДА

Тошкент шаҳрида «Ўзбектелеком» концернининг Кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари В. Л. Штейнберг, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Т. Н. Назаржонов, барча вилоятлар электралоқа корхоналари ва тармоқда фаолият кўрсатаётган қўшма корхона раҳбарлари иштирок этди.

Кенгашда «Ўзбектелеком» концерни корхона ва бирлашмаларининг 1996 йилги иш якунлари ва 1997 йилдаги иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги асосий вазифалар» тўғрисида концерн раиси Т. М. Бикметовнинг маърузаси тингланди.

Маъруза муҳокамасидан сўнг Кенгаш қатнашчилари эътиборига «Ўзбектелеком» концернининг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифатини ошириш бўйича 1997 йил Дастури ҳавола этилди. Дастур атрофлича кўриб чиқилди, таклиф ва қўшимчалар инобатга олинди ҳамда маъқулланди. Мазкур тадбир сўнгида концернинг Марказлаштирилган жамғармасига тўловлар қай тарзда амалга оширилаётганлиги хусусида концерн раисининг ўринбосари И. И. Исроилов ахборот берди.

Кенгашда кўрилган барча масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

***Одилбек АБДУСАЛОМОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз***

## ХАЙРЛИ ҲАМКОРЛИК

Алоқа хизматини ривожлантиришда автожамланма ҳайдовчиларининг ҳам ҳиссалари беқиёсдир. Навоий давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасига қарашли автокорхона жамоаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бекаму кўст адо этиб келмоқдалар. Жамоанинг меҳнат аҳли ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликларига қарамай мавжуд транспорт воситаларининг ҳар биридан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Айни кунда улар вилоят электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорликда барча шаҳар ва туманлардаги аҳолига яқиндан хизмат кўрсатишяпти. Шу боисдан ҳам шаҳар ва туман аҳолиси автожамланма ҳайдовчиларининг сидқидилдан қилаётган хизматларидан миннатдор бўлишмоқда. Ўз навбатида транспорт ходимлари ҳам ўзларига биркитилган автомашиналарнинг ҳар доим ҳаракатда бўлишини таъминламоқдалар.

Жамланмада 42 киши меҳнат қилади. Уларнинг ўртача ойлик маоши 2000—3000 сўмни ташкил этмоқда. Маошлар ўз вақтида бериб борилмоқда. Бундан ташқари меҳнат таътилига чиқаётганларга, тўй ва маърака ўтказаётганларга ёрдам пули ҳамда имкониятлардан келиб чиққан ҳолда мукофот пуллари ҳам берилиб, моддий рағбатлантирилмоқда. Ишончимиз комилки, жамоа аҳли вилоят электралоқа хизматини яхшилашда самарали меҳнат қилиб, халққа беминнат хизмат кўрсатиш йўлида изланаверади.

***Р. БОЙЖОНОВ,***
***Автожамланма муҳандиси,***
***Навоий вилояти***

## АЛОҚА ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Ўтган йили февраль ойида Жанубий Кореянинг ДЭУ фирмаси билан тузилган шартномага асосан Тошкент вилоятининг Янгийўл, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари ва Гулбаҳор, Паркент, Оққўрғон туманларида янги рақамли электрон АТС станцияларини бу йил ишга тушириш мўлжалланмоқда. Мазкур АТСларнинг ишга туширилиши вилоят аҳолисига анча қулайлик туғдиради. Улар дунё мамлакатлари билан бир зумда сўзлашиш имкониятига эга бўладилар. Янги станцияларнинг ишга туширилиши вилоятдаги станциялар сиғимини 17000 тага оширади. Бунинг учун Оққўрғон ва Паркент туманларида замонавий АТСлар учун янги бино қуриб битказилди. Бошқа жойларда эса хоналар кенгайтирилиб, қайта таъмирланди. Ушбу ишларни амалга оширишда Т. Пирматов, А. Машарипов, О. Анорбоев, И. Жабборов, В. Ким каби мутахассислар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишди.

***Мурод НАЗИРОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз,***
***Тошкент вилояти***

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР**

● Муборак Рамазон ойи муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Тунис Республикаси Президенти Зайн ал-Обидин бин Алидан табрик шошилинчномаси келди.

● **Тошкентда Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур қўмита раиси Нуриддин Исмоилов олиб борди.**

● Янги футбол мавсуми арафасида олий лига жамоаларининг номларини давлат тилига мослаштириш борасида ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Хоразм вилояти футбол Федерациясининг бу борадаги ташаббуси ибратлидир. Федерациянинг навбатдаги йиғилишида Урганчнинг «Динамо» жамоаси «Хоразм», Хиванинг «Гиламчи» жамоаси «Хива» деб юритиладиган бўлди.

● **Россия билан Ҳиндистон ўртасида ҳарбий ҳамкорлик ҳақида шартнома имзоланди.**

● Чеченистоннинг Янги Атаги қишлоғида ўлдирилган Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг олти нафар хорижий хизматчисини қидиришга Интерпол ҳам қўшилиши мумкин.

● **Парижда конгресслар саройида «Ислом, Франция ва Европа: келажагимизни қандай кўриш мумкин?» мавзуда халқаро анжуман ўтказилди. Унинг ишида Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашдилар.**

● Австриянинг федерал канцлери Франц Враницки истеъфога чиқадиган бўлди. Бу ҳақда ўзи раислик қилган социал демократлар партияси раҳбариятининг мажлисида баёнот берди.

● **Ҳиндистонда анъанавий кино байрами бошланди. Унда жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари иштирок этмоқда.**

● Бугунги кунда Хитой армиясида «Ватанпарварлик» ғояларини тарғиб қилиш учун 36 турда махсус газета ва 321 турда журнал чоп этилмоқда.

● **Америка Халқаро валюта жамғармасининг ҳисоб-китобига кўра, кейинги беш йил ичида дунё бўйича қуролланиш ва армия учун сарфланаётган маблағ 120,7 миллиард АҚШ долларига қисқарган.**

● ХХ асрнинг машҳур мусаввири Пабло Пикассонинг Франция Жануби-Ғарбидаги Мужена вилоятида жойлашган вилласи ўз харидорини тополмай турибди.

Маҳмуд СОБИРОВ:

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИДА НАМУНАЛИ АЛОҚА ХИЗМАТИ КЎРСАТАМИЗ

(Мухбиримиз Хоразм вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Маҳмуд Собиров билан суҳбатлашди).

Ўтган йили электралоқа ишлаб чиқариш корхонамиз жамоаси алоқа воситалари ишини такомиллаштириш, кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилаш ва хизматнинг янги турлари ҳисобига аҳоли талабини тўлароқ қондириш учун астойдил меҳнат қилдилар.

Ҳурматли Президентимиз И. А. Каримовнинг вилоятимизга келиб қилган маърузасида таъкидланганидек, телекоммуникация ва алоқа сифатини тубдан яхшилаш, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш дастури ишлаб чиқилиб, йил давомида ҳаётга тадбиқ қилинди. Бунинг натижасида вилоят ичкарисида 18 та шаҳарлараро телефон канали ижарага берилди, асосий телефон нуқталарининг сони эса 3312 донага кўпайди.

Йил якуни бўйича корхонамизда даромад 288,9 миллион сўмни ташкил қилди ва режа 103,1 фоизга ошириб бажарилди. Аҳолига нақд пулга кўрсатилган хизмат миқдори 60,3 миллион сўмни ташкил қилиб, режа 121,5 фоизга уддаланди. Хизмат кўрсатишдан тушган баланс бўйича даромад 220,0 миллион сўмни ташкил қилиб, шундан 32,0 миллион сўм қўшимча қиймат солиғига тўланди. Соф даромад эса 188 миллион сўмга баробар бўлди. 1996 йилда корхона фаолиятидан олинган соф фойда 10,0 миллион сўмга тенг бўлди, рентабеллик эса 58 фоизни ташкил қилди.

Йил якуни бўйича корхона концернning ўзаро тўлов жамғармасига 38,5 миллион сўм, марказлаштирилган жамғармасига 30,8 миллион сўм, иш сифати пасайишига йўл қўйилганлиги учун 181,0 минг сўм ўтказиб, тўла ҳисоб-китоб қилинди. Шунингдек, корхона ўқув юртлари, маҳаллий бюджет, таъминот корхоналари олдидаги барча қарзларини тўла узди.

Корхона ишчи-хизматчиларининг ўртача ойлик маоши декабрь ойида 9277 сўмга, йиллик ўртача кўрсаткич бўйича эса 3052 сўмга баробар бўлди. 1996 йилдан Хива ва Урганч шаҳарларида ҳар бири 8 хонадонга мўлжалланган турар жойлар қурилиши бошлаб юборилди ва бунга 5,0 миллион сўм сарф қилинди. Бу турар жойларни шу йилнинг иккинчи чорагида битказиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўйича Урганч шаҳрида 12,0 минг, Хива шаҳрида 3,0 минг, жами 15,0 минг рақамга мўлжалланган телефон станциялари қуриб, ишга тушириш режалаштирилган эди.

Хива шаҳридаги телефон станциясини ривожлантириш учун 9037 минг сўм харажат қилиниб, 2,0 минг нуқтага ҳисобланган линия қурилмалари қуриб битказилди ва яна 1,0 минг рақамга мўлжалланган линия қурилмаларида иш давом этмоқда.

Урганч шаҳридаги тўртта АТСда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. 7-АТСда 4450 минг сўм харажат қилиниб 4,0 минг, 5-АТСда 10437 минг сўм харажат қилиниб, 1,3 минг, 3-АТСда 6599 минг сўм харажат қилиниб, 1,2 минг ва 6-АТСда 1,0 минг нуқтага мўлжалланган линия қурилмалари қурилди. Жами 30,5 миллион сўм харажат қилиниб, 9,5 минг нуқтага ҳисобланган линия қурилмалари бунёд этилди.

Юқоридаги қарор бўйича АТСларнинг ускуналарини Япония кредити ҳисобига 1997 йилда ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Айни чоғда белгиланган режаларни муваффақиятли уддалашимизда имкон бермаётган муаммолар ҳам бор.

Қурилиш ишлари корхона маблағлари ҳисобига олиб борилмоқда. Дебитор қарзлар кўпайиб кетгани (90,0 миллион сўм) боис қурилиш учун катта маблағ ажратишга имкон бўлмаяпти. Хоразмдаги алоқа қурилиш ҳиссадорлик жамиятининг имконияти чекланган. Алоқа иншоотларида ишлатиладиган махсус қурилиш материаллари етишмайди.

Янги йилдан юқорида кўрсатилган АТСларда ва Урганч-Хива шиша толали кабель линиясида қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоятимизда Низом жамғармаси 5,0 миллион сўмга тенг бўлган Алоқабанк филиали учун бино корхонамиз ҳисобидан 8961 минг сўм сарфланиб, таъмирланди. Керакли жиҳозлар билан ҳам таъминлаймиз. Вазирликдан ана шу банкни ишга туширишда ёрдам кўрсатилишини кутамиз.

Корхонамиз жамоаси қишки мавсумга алоҳида аҳамият бериб, таъмирлаш ишларини баҳор фаслиданоқ бошлаб юборган эдилар. Натижада капитал таъмирлаш режадаги олтита кўрсаткич бўйича ҳам бажарилди.

Электралоқа ускуналарини узлуксиз таъминловчи ёрдамчи электр энергияси манбалари бўлмиш дизель-генераторлардан 3 таси янгиланди, биттаси капитал таъмирланди, 2 гуруҳ аккумулятор батареялари ҳам капитал таъмирланди.

1997 йилда корхона жамоаси олдида улуғвор вазифалар турибди. Вилотимизда рақамли шаҳарлараро уловчи автоматик телефон станцияси ва Хива шаҳрида сиғими 10 минг, Урганч шаҳрида эса 30 минг нуқта бўлган 4 та АТСларни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бу станцияларда ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш зарур бўлади. Шунингдек, станцияларни уловчи кабель линиялари қурилишини ҳозирдан бошлаб юбордик.

Корхонамиз ишчи-хизматчилари бу йил ҳам Республикамиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, инсон манфаатлари йилида аҳолига намунали алоқа хизмати кўрсатиш учун ўз куч-ғайратларини аямай меҳнат қиладилар.

***А. САТТОРОВ***
***суҳбатлашди***



***Шуҳрат МАҲМУДОВ — Тошкент почтамтининг ёш, иқтидорли ходимларидан бири. Бу ерда у аввалига оддий ишчи, смена бошлиғи бўлиб ишлади. 1995 йили Тошкент Алоқа коллежини ишдан ажралмаган ҳолда битиргач, почтамт раҳбарияти унга почталарни саралаш ва айирбошлаш участкасига етакчилик қилишни ишониб топширди.***

***Суратkaш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ***

# АЛОҚАЧИЛАР СОҒЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Бухоро давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси ва Бухоро шаҳар электралоқа боғламаси ишчи-хизматчиларининг соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида халқ табобати усуллари асосида даволайдиган «Монанда» кичик корхонаси билан шартнома тузди. Даволаш муолажалари бевосита корхонанинг ўзида ташкил қилинадиган бўлди. Бунинг учун иккита хона ажратилиб, улар қайта таъмирланди, талаб даражасида тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланди.

Тажрибали табиб В. Е. Генкель раҳбарлигида халқ саломатлиги посбонлари алоқачиларни игна ва уқалаш усули ёрдамида даволамоқдалар. Алоқачилар бундай қулайликдан хурсанд бўляптилар.

Электралоқа бўлимининг муҳандиси Нина Галахонова биз билан суҳбатда шундай деди: Мен юқори қаватларга зиналарда юриб чиқишга қийналар эдим. Оёғим ва белим оғрирди. 2-3 марта муолажа олганимдан сўнг ўзимни яхши ҳис қиляпман, ишимда ҳам унум бўляпти.

Соғлиқни сақлаш борасидаги бундай хайрли ишларни вилоятда, туман электралоқа боғламаларида ҳам ташкил этиш мўлжалланаяпти.

***Аҳмад МУҲАМЕДОВ,***
***жамоатчи мухбир***

«Ўзбектелеком» концерни жамоаси концерн раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчиси З. Х. Ҳусанхўжаевага онаси

**Сабура ҲУСАНХЎЖАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхона жамоаси «Ўзбектелеком» концерни раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчиси З. Х. Ҳусанхўжаевага онаси

**Сабура ҲУСАНХЎЖАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Алоқа соҳасининг асосий илмий кучлари Тошкент электротехника Алоқа институтида тўпланган. Бу ерда юздан ортиқ фан доктори ва номзодлари фаолият кўрсатишмоқда. ТЭАИ илмий тадқиқот бўлинмасида эса 18 та илмий тажрибахоналар мавжуд. Мазкур тажрибахоналарда шартномаларга мувофиқ 1996 йилда 8,5 миллион сўм ҳажмида тадқиқот ишлари бажарилди. Бу тадқиқот ишларининг баъзилари янги йилда ҳам давом эттирилади.

Институт қошида ихтисослашган илмий кенгаш мавжуд бўлиб, бу кенгаш диссертация ишлари ёқланишини таъминлайди. Ўтган 1996 йилда иккита номзодлик иши ҳимоя қилинди. Жорий йилда эса битта докторлик ва учта номзодлик диссертацияси ҳимояси режалаштирилган.

# МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

Институтда 27 нафар аспирант таҳсил кўрмоқда, янги йил арафасида уларнинг сафи яна 10 кишига ортди.

Одатда аспирантурага 20-30 фоиз миқдорида илмий тадқиқот ишларини бошлаб қўйган, илмий асарлари чоп этилган, изланишга кўнгил қўйган ёш тадқиқотчилар жалб қилинар эди. Лекин тармоқнинг техника замини янгиланиб бориши, янги замонавий адабиётлар танқислиги ҳамда моддий техник база етарли ривожланмагани боис ҳам ёш тадқиқотчилар ёрдамга муҳтож. Яқинда институт ректори академик Т. Ражабовнинг ташаббуси билан институтнинг Европа ҳамдўстлиги комиссиясига топширган «Темпус» номли лойиҳаси ғолиб чиқди. Унга биноан бир миллион ЭКЮ (1.25 миллион доллар) миқдоридаги лойиҳага уч давлат университетлари (Бельгия, Греция ва ТЭАИ) аспирантуралари жалб этилади. Натижада юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш имконияти пайдо бўлди.

Ўқув режасига асосан аспирантлар гуруҳларга бўлиниб, икки йил мобайнида юқори малакали мутахассислар томонидан ўқитилади, улар замонавий техникани ўзлаштириб борадилар. Аспирантларга биринчи йили инглиз тили, фалсафа, информатика, телекоммуникация ва телематика асослари каби фанлардан таҳсил берилади. Бу фанлардан дарсларни 70 фоиз хорижлик мутахассислар олиб боришади.

Иккинчи йилдан бошлаб илмий изланиш йўналишига қараб қуйидаги тўртта гуруҳ тузилади: рақамли ихтисослашган тармоқлар, телекоммуникация тармоқлари, рақамли радио тармоқлари ва телекоммуникация менежменти. Иккита семестр давомида иккита мажбурий ва битта аспирантлар танлаган фанлар доирасида дарслар олиб борилади. Икки семестр мобайнидаги дарслар номзодлик имтиҳонлари билан тугалланади.

Бу ўқув жараёнини яхши йўлга қўйиш учун иккита компьютер синфлари, лингофон синфи, ксерокс ва минибосмахона, махсус кутубхона ва қироатхона, иккита катта синфлар проекциявий ва видеотехникалар билан жиҳозланиши, 6-8 та ихтисослаштирилган экспериментал тажрибахоналар ташкил этилиши кутилмоқда. Бу тажрибахоналарда жаҳон андозаларига мос янги ўлчов асбоблари, назорат-диагностика қурилмалари, рақамли схемотехниканинг асосий қисмлари, замонавий рақамли алоқа технологиясининг намуналари, уларни автоматик равишда моделлаштирувчи қурилмалар каби ускуналари мавжуд бўлмоғи шарт.

Аспирантлар ўз изланишларини Европанинг етакчи университетларида учинчи йили давом эттирадилар. Хорижда диссертацияларини инглиз тилида ёзиб, ёқлаш имкониятига ҳам эга бўладилар. Махсус кутубхонада энг замонавий алоқа технологиясига оид янги махсус адабиётлар билан танишиш имконияти туғилади. Ушбу режалар амалга ошса, институтда фан номзодларини етарли даражада тайёрлаб бориш муаммоси ҳам ҳал этилади.

***Мажидулла ОРИПОВ,***
***Тошкент электротехника Алоқа институтининг илмий ишлар бўйича проректори, техника фанлари доктори, профессор***

# ҚУТЛАЙМИЗ!



Олим ака Бойматов ўз касбига меҳр қўйган инсонлардан. У қарийб 30 йилдан буён Жиззах вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида сидқидилдан меҳнат қилиб келаётир. Айни пайтда Олим ака корхонада катта диспетчерлик вазифасини бажармоқда.

Тўққиз нафар фарзанднинг отаси, бир неча набираларнинг бобоси бўлган Олим ака Бойматов бугунги кунда 55 ёшга тўлди. У ўзининг ана шу қувончли дамларини қадрдон ҳамкасбларисиз тасаввур қилолмайди.

**Ҳурматли Олим ака!**

Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан қутлаймиз! Бундан кейинги ишларингизда омад, сиҳат-саломатлик ва ҳамиша бардамлик тилаймиз.

***Жиззах вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси***

## ЭЪЛОН

Чилонзор туманидаги «Икар» кичик корхонаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида кўриб чиқилади.

*Мурожаат учун телефон: 46-09-67.*

***Ёзувчи Ражаббой ОТА ТУРК республикамиз манфаати — илм-фан ривожи, кадрлар етиштиришдек муҳим тадбирлар ташкилотчиси, академик Ҳабиб Абдуллаев ҳаёти, фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Устун» номли янги асар ёзди. Қуйида шу асардан бир шингил ўқийсиз.***

**Ражаббой ОТА ТУРК**

# УСТУН

Минг тўққиз юз тўқсон бешинчи йилнинг 31 март куни. Ушбу кун Туркистон саройида мустақил республикамиз ершуносларининг касб байрамлари нишонланди. Маъданшунос Миролим Аҳмедов билан худди шу жойда учрашишга келишган эдик. Фурсат яқинлашган сари улкан сарой олди гавжумланиб, бутун Тошкент, вилоятлардан вакиллар, фахрийлар тўпланди. Шунгача мен Ўзбекистон геологларининг бир жойда йиғилганини кўрмаган эдим. Демак, биз ҳали мамлакатимизнинг иқтисодий томирлари ҳисобланмиш конлар очувчи, заминимизнинг турли томонларига тарқалиб, тоғу тош, ер остида ишлайдиган бутун бошли «армия» ҳақида кам биларканмиз.

Уйга чўмиб, нари-бери юрарканман, бехос тепамдан шундай бир овоз мени таъқиб эта бошлади:

— Самимият инсонни юксалтиради!

Овоз мингларча оломон ғовурини назар-писанд қилмай, бошим узра гоҳ баландлаб, гоҳ пастлаб, қулоғимга аниқ уриларди.

...Ўшанда кутганим — Миролим ака билан учрашиб, таклифларини қабул қилдим, хуллас, мен академик Ҳабиб Абдуллаев ҳақида ёзишни ният қилдим.

Аллома ҳақида кўплаб хотиралар, илмий мақолалар, ёдномаю очерклар ёзилган. Шунга қарамай, дастлаб, менга ўзбекнинг жонкуяр-жонфидо фарзанди, садоқатли шаън ўғлони Ҳабиб Абдулла шахси, фаолиятини, умуман, олимнинг миллий кадрлар тайёрлашдаги хизматларини англаш учун икки йил керак бўлди. Ўтган фурсат Ҳабиб Абдуллаев шахси мен учун қўл етмас осмон, чиқиб бўлмас чўққи каби юксала борди. Ҳайратланарлиси — бир вужудда тўпланган ғайрат, орзулар, ақлу фаросат, ўктамлик, ўзига ишонч, миллий ғурур, миллатига содиқлик, бутун иймон, бу, ҳар қандай қалам аҳли вакилининг ақлини шошириб қўядиган шахс (образ) эди. Буюк истеъдод сиймосини бадиий тафаккурдан ўтказиш осон эмас. Шундай эса-да, мен ниятимга ишондим, ниятимга суяндим. Инсоф билан айтганда, Ҳабиб Абдуллаев фаолиятининг залворли юкини кўтариш, бу юкни эсон-омон манзилга етказиш борган сари мушкуллашди.

Ёзувчилар уюшмасидаги хизмат хонамга нотаниш бир одам кириб келди. У жуда сокин, мулойим, ораста, нуроний киши эди. Танишдик. Бу, ўша — юқорида эслаганим, маъданшунос Миролим Аҳмедов. У:

— Мен Ҳабиб Муҳаммедовичнинг шогирди, ҳамюрти бўламан, — деб ташриф сабабини изоҳлади. — Илгари ҳам касбдошларингиз билан учрашиб, домламиз ҳақидаги материалларни йиғишда кўмаклашганман, натижа эса... Мени тўғри тушунинг, ука, вақт ўтаяпти, биз — Ҳабиб Абдуллаевнинг шогирдлари у киши ҳақида бадиий асар ўқишни истаймиз, биздан кейинги авлод домланинг кимлигини билсин, геологияда мактаб яратган, халқимизнинг обрўли олимини фарзандларимиз танисин. Менимча, Ҳабиб домланинг ҳаёти ибрат — китоб бўларли даражада қизиқ, мураккаб...

Унинг сўзларини ҳайрат ила тинглаб турибман:

— Мен геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг раиси Тўлқин Шоёқубов ҳамда Тошкент геология-қидирув ишлари бирлашмасининг бошлиғи Саид Аҳмедов номидан вакил бўлиб келдим. Улар мендан жавоб кутади. Мана, қўлимда ёзувчиларнинг номлари ёзилган рўйхат, унда сизнинг номингиз ҳам бор, — дея Миролим ака қоғоз узатди. — Кўплари билан учрашдим, таклиф маъқул, лекин, вақт, турли, ташвишлар уларни банд қилиб қўйган. Сиз ёшсиз-ку, йўқ демассиз. Хоҳласангиз, сизга ершунослик илмидан сабоқ беришга ҳам тайёрман...

Илк дафъа учрашганимизда Миролим аканинг, сизга ершунослик илмидан сабоқ бераман, деган гаплари шунчаки сўзмас — жиддий экан, маъданшунослар гуруҳига қўшилиб, мамлакатимиз тоғларида яшадим... ва англадимки, тоғларда сир-синоат, гап кўп экан. Оллоҳ қудратини ҳис этиш учун тоғларга боқиш керак, ҳеч бўлмаганда тоғда бир кеча тунаш лозим... Ўшанда кўнглимдан рост ва ёлғон, манфаат ва нафс, садоқат ва хиёнат каби қиёслар кечди. Туғилгандан то умр поёнига қадар Оллоҳга бандалик, Ватанга фарзандлик умиди ила яшаганлар ичра чин фарзанд киму, тирикчилик аталмиш чалғитувчи баҳонаталаб давронга қул бўлиб ўтган ким?

Вақт, виждон бизга шундай синов йўлласа, билингки, бу синов эмас — имкон, дардимизга малҳам бўлгувчи, майишган елкаларимизни халос этгувчи чора. Ният қилдимки, ҳар кимга ҳам шундай чора насиб этсин. Юртимизнинг Ҳабиб Абдуллаевдек фарзандлари бор экан, улар бизга ҳамиша покланишга имкон берадилар, йўлсизга йўл, чорасизга чора бўлиб қайта дунёга келадилар.

Мушкулли кунларнинг бирида мени геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг раиси Тўлқин ака Шоёқубов йўқладилар.

— Ука, — дедилар Тўлқин ака жўшиб, — биламан, сиз геолог эмассиз, тоғу тошдан, кондан йироқ одамсиз, лекин сиз ёзувчиларда туйғу, тасаввур кучли. Сиз инсон ҳақида, ўз миллати, диёнати учун жонини аямаган инсон ҳақида ёзинг. Домла ўз даврининг хизматини қилиб, даврдан ўзган инсон. Домла ўз даврига хизмат қилиб, ўзбекнинг шаъни учун курашган инсон. Ҳаммамиз яхши биламиз, ўтган мустабид даврда шахс амалда тан олинмас, шахсий ғалабалар, ютуқлар, кашфиётлар иложи борича умумлаштириларди. Лекин ўша пайтларда ҳам Ҳабиб Абдуллаев Шахс эди, ўз сўзи, эътиқодида мустаҳкам, мустақил, айтиш мумкинки, ўз миллатининг қалъаси, устуни эди... Ёзинг...

Бор гап шу. Менга шундай имкону журъат бахш этган улуғ ҳамюртларим давъати, ёдномалар, хотираларга суяниб, қоғоз қораладим.

# ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

*Рўза фақатгина ейиш-ичишдан сақланиш билан эмас, балки беҳуда бемаъни ва ёмон сўзлардан сақланиш биландир. Агар бирор киши сени сўкса, сен унга: «мен рўзадорман», деб узр айтгин.*

* * *

*Тангрининг назлида тўғри сўздан ортиқ садақа йўқдир.*

* * *

*Мўмин кишига берилган нарсанинг яхшиси хуш хулқликдир. Кишига берилган нарсанинг ёмони кўриниши чиройлигу дили ёмонидир.*

* * *

*Еган таомга кўп шукур айтувчи баъзи банданинг рўза тутган сабрли кишидан ҳам ажри кўпдир.*

* * *

*Мўмин кишининг шарафи кечаси туриб ўқийдиган намозидир. Унинг азизлиги эса одамларнинг қўлидаги нарсаларга таъма қилмаслигидир.*

* * *

*Отага итоат қилиш — Аллоҳга итоат қилишдир. Отага осий бўлиш — Аллоҳга осий бўлишдир.*

* * *

*Касал кўргани борувчи киши жаннат боғида юргандекдир.*

* * *

*Ёнида қўшниси оч туриб, ўзи тўйган одам мўмин эмас.*

* * *

*Отангнинг дўсти билан дўстлик алоқасини давом эттиришинг отангга қилинган яхшиликдан ҳисобланади.*

* * *

*Одамлар билан муроса қилиш ҳам садақа.*

* * *

*Кимки йўлда мусулмонга озор берса, менга озор берибди, менга озор берса, Аллоҳга озор берибди.*

* * *

*Банданинг савоб тарозусида яхши хулқдан оғирроқ амал йўқдир. Унинг даражаси ҳатто намоз ва рўзанинг даражаси билан баробардир.*

* * *

*Мўмин кишиларнинг бир-бири билан қўл бериб сўрашишлари бошқа миллатларнинг ўпишиб кўришишлари билан баробардир.*

* * *

*Кимки қалбини имон учун холис ва соғлом қилиб олган ва тилини ростгўй, ўзини хотиржам қилган, хулқини тўғри ва қулоғини тингловчи ҳамда кўзини ибрат назари билан боқувчи қилиб олган бўлса, демак у бахтлидир.*



**Қиш...**

# МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Альберт Эйнштейн Чарли Чаплиннинг фильмларини яхши кўрар, бу актёрга ҳурмати зўр эди. Бир куни у Чаплинга хат ёзди:

«Сизга қойилман, «Олтин васвасаси» деган фильмингизни дунёдаги ҳамма кишилар тушунади, сиз келажакда буюк одам бўласиз. Эйнштейн».

Ҳалемай жавоб келди: «Мен эса сизга минг марта қойил қоламан. Сизнинг нисбийлик назариянгизни жаҳонда камдан-кам киши тушунади, лекин барибир сиз улуғ одамсиз. Чаплин».

* * *

Эрнест Резерфорд ўзига ёрдамчилар танлашда ғалати йўл тутарди. Янги ходимни ишга олган заҳоти вазифа топширарди, агар ходим бу вазифани бажаргандан кейин келиб, энди нима қилай, деб сўраса, дарҳол уни бўшатиб юборарди.

Бир куни кечқурун Резерфорд лабораторияга кирди. Қараса, битта шогирди асбоб-ускуналар орасида уралашиб юрибди.

— Кеч қолиб кетибсиз-ку, нима қиляпсиз?

— Ишлаяпман.

— Кундузи нима қиласиз?

— Ишлайман, албатта.

— Тонг отарда ҳам ишлайсизми?

— Ҳа, — деди шогирд машҳур олимдан мақтов кутиб, — кун-тун ишлайман, жаноб профессор.

Резерфорд қовоғини солиб, зарда билан сўради:

— Ҳой, менга қаранг! Агар кун-тун ишласангиз, қачон ўйлайсиз?

* * *

Кунлардан бир куни Александр Сергеевич Пушкин журнал ноширига мактуб йўллаб, ўзига тегишли қалам ҳақини сўрабди. Муҳарририят шоирга ёзган жавоб хатида шундай дейилибди:

«Сиз учун пулни душанба куни олганингиз қулайроқми ёки сешанба? Икки юз сўмнинг ҳаммасини бира тўла оласизми ёки олдин юз сўми ҳам кифоями?».

Шоир қисқа жавоб қилибди:

«Душанба сешанбадан яхши, икки юз сўм эса юз сўмдан яхши».

* * *

Пушкин ўлимидан сал олдинроқ Александр театрида ёш йигитлар билан ёнма-ён ўтирар, улар ўша даврда машҳур бўлган артист Асенкова ижросига тинимсиз қарсак чалишар эди.

Пушкинни танимаган ва унинг ижрога бефарқлигини кўрган ёшлар олдинига ўзаро шивир-шивир ғийбат қилиб ўтиришди ва охири қўшнисини дангал аҳмоқ деб аташди.

Пушкин уларга ўгирилиб, шундай деди:

— Сиз жаноблар, мени аҳмоқ дедингиз. Мен Пушкинман ва шу тобда ҳар бирингизнинг юзингизга шапалоқ тортишим мумкин эди-ю, аммо буни истамайман: Асенкова менга чапак чаляпти деб ўйлаши мумкин.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-048. 12992 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

